

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! Даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам nobуд қилмай тезда йиғиб-териб олайлик. Кўрак чувиш машиналари кечаю-кундуз ишласин.

Терилган, чувилган пахтани пешма-пеш давлатга топширайлик. Колхозчилар, совхоз ишчилари ва ёрдамчиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб берайлик.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 226 (4217).

14
НОВАБРЬ
ЖУМА
1969 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин

ИЛҒОР ШОЛИКОРЛАР

БЕКОБОД районидagi «Октябрь» 40 йиллиги совхозда шoли ўриш, янчиш, давлатга шoли-топшириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Совхоз коллективи йиллик плани тeзроқ бажариш йўлида астойдил меҳнат қилаётир. Бунинг учун далада иш-лаётган ўроқчиларга, хирмондаги кишиларга барча шароит яратиб берилган. Давлат ошбўрига шoли олиб бoраётган машиналарнинг кети узилмайди. Суратларда: (юқоридан пастга) илғор комбайни А. Аҳмадғалиев, машинага шoли ортиш/пайти, пеш-қадам шоферлардан И. Искандаров.

Н. Тўраев фотолари.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, Ўзбекистон колхозчилари съездининг қатнашчилари республиканинг барча қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари номидан Совет Итти-фоқи Коммунистик партиясининг ленинча Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида, мамлакат қишлоқ ҳўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида қилаётган долмий ота-ларча ғамхўрликлари учун чин кўнгилдан са-лом йўлаб самийий миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Бизнинг съездимиз шoли пайтда бoшлан-ди. Бундан бир неча кун муқаддам совет хал-қи, бутун прогрессив инсоният. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллигини тантанали равишда байрам қилдилар ва жа-ҳоншумул тарихий сана — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб ни-шонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Колхозчиларнинг област конференциялари, республика съездлари ҳамада қишлоқ ҳўжалик артелининг янги Устави тасдиқланадиган Бу-туниттифоқ колхозчилар съезди юбилей ара-фаси йилдаги жуда катта аҳамиятга эга бул-ган воқеалардир. Бу воқеалар Ленин коопе-ратив плани тантанасини ифодалайди. Совет ҳо-кимияти йиллари мобайнида қишлоқларимиз ҳаётида рўй берган жуда катта социал-иқ-тисодий ўзгаришларни яққол намоён қилади, колхоз тузумининг буюк бунёдкорлик кучини кўрсатади.

Ўзбек деҳқонининг революциядан аввалги даврдаги ҳаёти нақдир отир ва мусибатли бул-ганлигини съездимизнинг кўпгина қатнашчилари яққил эслашади. Тинкани куртувчи меҳ-нат, очлик ва қашшоқлик, ҳуқуқсизлик ўзбек деҳқонининг қисмати эди. Улуғ Октябрь соци-алистик революцияси, совет қишлоғи йиринг социалистик ҳўжаликка ўтганлиги туфайлиги-на деҳқон ҳаётининг бутун уклади тубдан ўз-гариб кетди, у эксплуатация ва зулмдан, фео-дал бойлар асоратидан ҳалос бўлди, деҳқон-лар равақ топишининг катта йўлига чиқиб ол-дилар, ер ва сувнинг ҳўжайини, ўз тақдир-нинг ҳўжайини бўлиб қолдилар.

Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати, СССР халқларининг бузил-мас дўстлиги ва қардошлиги сиёсати амалга оширилганлиги натижасида Ўзбекистон меҳ-наткашлари Совет Ҳокимияти йиллари мобай-нида ҳўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида зўр ўзга-ришлар рўй берди. Ўзбекистон Совет Соци-алистик республикаси ташкил тоилган 1924 йил-да 209 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1968 йилда пахта етиштириш 4 миллион тон-надан ошиб кетди, яъни 20 баравардан зиёд кўпайди, шу давр ичиде пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 7,8 центнердан 25 центнерга етди. Ҳозир республикада қудратли замонавий техника билан таъминланган 1043 колхоз ва 325 совхоз бор. Сув ҳўжалиги қури-лиши мислиси кенг қулоқ эди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармонлари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дон, шoли, лўб экивлари, қора қўл, пилла, саба-вот, мева ва узум етиштириш йил сайини кў-пайиб бормоқда.

Пахтачиликни ривожлантиришда айниқса катта ғалабаларга эришилди. Пахта бизнинг юртимизда жуда қадим замонлардан бери етиштирилмоқда. Ленин у Совет Ҳокимияти давридагина, Ленин партиясининг ғамхўрлиги туфайли бойлигимизнинг энг муҳим манбаи, бизнинг миллий ифтихоримиз бўлиб қолди. Ватани тобора кўп миқдорда пахта билан таъминлашни биз мамлакатимиз қардош халқлари олдидан ўзимизнинг интернационал бурчимиз деб, биламиз. Бу бурчин бажо ке-лтириш коммунизмнинг юксак идеаллари тан-

танаси учун совет халқи олиб бoраётган муш-тарак кураш ишига қўшилган муносиб ҳисса-миз булди.

Партия XXIII съезди қарорлари ҳамада КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март, 1966 йил май ва 1968 йил октябрь Пленумларининг қишлоқ ҳўжалик ишлаб чи-қаришини янада юксалтириш йўларини белги-лаб берган қарорлари бутун мамлакат сингари Ўзбекистоннинг ҳам қишлоқ ҳўжалигини ри-вожлантиришда муҳим роль ўйнади. Респу-бликамиз дала меҳнаткашлари ана шу қарор-ларни амалга ошира бoриб, янги-янги катта муваффақиятларга эришдилар. Шу беш йил-лигининг дастлабки уч йил мобайнида шундан аввалги уч йилдагига нисбатан пахта етишти-риш 750 минг тоннадан зиёд кўпайди. Бу йил улар дон, пилла, қора қўл тери, канов, саба-вот, полза маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планларини муқддатидан олдин бажардилар, гўшт, сут, туҳум тайёрлаш муваффақиятли давом этмоқда.

Ҳозир пахта учун бошланган умумхалқ жағнингинг долзарб қуллари келди. Бу — шу-чаки сўзлар эмас. Бу йилги куз пахтакорлар олдида бениҳоя мураккаб ва қийин назифаларни кўйди. Ўтган қиш ҳаддан ташқари соғуқ ке-лди, қўқлам кеч келиб жуда қўзилиб кетди. Табиий офатлар сабабли пахтакор ҳўжаликлар жуда катта қийинчиликларга дуч келди.

Бу йилги кузда пахта ҳосили одатдагидан кеч етилди, шу сабабдан терим ишлари ҳам кеч бoшланди. Ленин Ҳозир ҳамма колхозчи-лар, совхозларнинг ишчилари, шoли меҳани-заторларимиз, қишлоқ ҳўжалик мутахассис-лари, хашарта келган шахарликлар етишти-рилган пахта ҳосилини nobуд қилмай териб олиш, Ленин юбилеи шарафига қабул қилин-ган мажбурийлиги бажариш учун ҳамма чoра-ларни кўрмоқдалар.

Қишлоқ ҳўжалик артелининг намунавий

Устави лойиҳаси бутун республикада, барча колхозларда колхозчиларнинг кенг қўламада қатнашуви билан умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгандан кейин биз ана шу съезда та-ландик. Ана шу умумхалқ муҳокамасида биз Совет Социалистик тузумининг чинакам демо-кратизми ифодасини кўриб турибмиз, қишлоқ ҳўжалик артелининг янги Устави колхоз тузу-минини янада ривожлантириш, мамлакатда қиш-лоқ ҳўжалик маҳсулотлари мўл-қўлдини вужудга келтириш манфаатларига, коммуни-стик қурилиш манфаатларига батамом мос бў-либ тушишининг мустақкам гарантиясини кў-риб турибмиз.

Бутун биз мамлакатимиз деҳқонларига қил-ган ҳамма яхшиликлари учун жонажон Ленин партиясига, Совет Ҳўкуматига сиқидилдан қайта-қайта раҳмат айтамиз. Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги ва шoли ишлар синфи билан янги иттифоқ туфайли колхозчи деҳқонлар янги жаҳият қурилишнинг қудратли кучига айландилар. Улар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келти-ришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон колхозчилари, барча қишлоқ ҳўжалик ходимлари севишли социалистик Ва-танимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўли-да бундан буюн ҳам фидокорона меҳнат қила-верамиз, деб партияимизнинг ленинча Марка-зий Комитетини, жонажон Совет Ҳўкуматини нишонтирадилар.

Янасин коммунизмнинг шавкатли бинокори — улуғ совет халқи!

Совет Социалистик давлатининг мустақкам негизи булган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи мустақкамлаверсин ва гуллаб-яшнайверсин!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Ленин партиясига шoн-шарафлар!

ШОЛИ ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА
ДАВЛАТГА ШОЛИ СОТИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 13 НОВАБРГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

(ЙИЛЛИК ПЛАНГА НИСБАТАН ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА)

Областимиз шoликорлари кечаги кунгача давлат хирмонига 7437 тонна шoли тўқиб, йиллик плани 43,7 процент бажаришди. Бу хирмонга Оржоникд-зе райони — 93,0, Янгийўл райони — 61,0, Ўрта Чирчиқ райони — 52,7, Калинин райони — 51,9, Бекобод райони — 43,9, Оққўрғон райони — 37,1, Юқори Чирчиқ райони — 34,7, Бўқа райони — 28,8, Бўстонлиқ райони — 13,5 процент миқдорида шoли тўқилган.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИГА ВИЗИТ

Совет Иттифоқига келган Туркия Республикасининг Президенти Жавдат Сунай 12 нoябрда Кремльга кириб, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди. Н. В. Подгорний билан Жавдат Сунай ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

А. Н. КОСИГИН ҚАБУЛИ

Туркия Республикаси прези-денти Жавдат Сунай 12 нoябрда Кремльга келиб, СССР Министр-лар Советининг Раиси А. Н. Ко-сигин ҳузурига кирди. А. Н. Косигин билан Жавдат Сунай ўртасида суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

Куба Республикаси Революцион Куролли кучлар министри Рауль Кастро Руснинг таклифига биноан СССР Мудоффа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко бугун дўстона расмий визит би-лан Кубага келди.

(ТАСС).

Янги сушилка

Бу йилги кузнинг серёғин кели-лиши ҳамма жойда сушилка-ларнинг кеча-кундуз тўхтовсиз ишлашини талаб қилмоқда. Ва-ҳоланки, қатор ҳўжаликларда аввалги йилларда қурилган су-шилкалар ё бузилиб кетган, ёки ишлатилмай қўйилганлиги са-бабли узларнинг бутунги аҳволи талаб даражасида эмас эди. Ёгингарчиликлар ҳар бир ҳўжа-ликда замонавий типда қурил-ган сушилка бўлишини тақозо этмоқда.

Янгийўлдаги «Интернаци-онал» колхозини раҳбарлиси, партия ташкилоти шўини ҳисоб-га олиб, шoлининг суратда ян-ги сушилка барпо этишди. Янгида сушилка ишга тушди. Унинг пахта қуришти қуввати деҳқонлар қўйлидагидек. Су-шилка ишга тушиши билан ёгингарчилик қулирида ҳам пахта тайёрлаш суръати жадал бўлмоқда.

Сушилка қурилиш жиҳатидан содда, аммо иш унуми баланд. Бир соатда тўрт тонна пахтани қуритади. Уни асосан икки ки-

ши бошқаради, дизель ёқилғиси ишлатилади.


Колхоз участкалари, бригада-ларида терилаётган пахта, қў-сак пешма-пеш чувиш машина-ларидан чиқарилиб, сушилкага олиб келинмоқда. Бу ерда тезда қуритилиб қабул пунктига жў-натилаётир.

Колхозда йиллик план бажари-лиши арафасида пахта териш ва тайёрлаш ишлари яна ҳам кучайтирилмоқда. Қўсак чувиш машинасида ишлайётган Ш. Азизов, С. Недаев, И. Иброҳимов ва бошқа ўртоқлар вақтинг зик келиб қолганлигини ҳисобга олиб, кеча-ю, кундуз фидокор-лик кўрсатмоқдалар.

Ҳозиргача йиллик планини 96 процентга етказган «Интерна-ционал» колхозида зинмага олинган мажбурийатнинг бажари-лишига ишонч катта. Бу йўлда қишлоқдаги катта-ю, кичик, ша-харлардан келган ёрдамчилар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: Сушилкада иш пай-ти.

А. Абалин фотолари.



356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13 НОВАБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан буюн машинада терилгани:

Оққўрғон	0,24	88,29	0,04	72,19
Янгийўл	0,52	87,15	0,37	51,27
Оржоникдзе	1,11	73,00	—	46,00
Юқори Чирчиқ	0,89	72,91	0,10	64,40
Ўрта Чирчиқ	0,29	71,69	0,13	48,55
Бекобод	0,28	62,27	0,16	31,15
Бўқа	0,15	59,87	—	34,71
Область бўйича	0,34	74,27	0,11	50,22

Точна уғун

Н. ТУФОНОВ.

С. СУЛТОНОВ

А. АЛИЕВ

(УЗТАГ).

Болалар чақчақлашар,
 Ёшлар кўнжигин куйлаб,
 Тўнжидан пахтадорин
 Терсидаи аявлайла...
 «Оттин пахта, жон пахта»
 Токраёрайдн шуни забла...
 Кўриб буни бригадран,
 Севнич лорлар кўзидан.
 Минияторлик ҳисларин,
 Тўлиб тошар сўзидан.
 Баташарвар фарзандлар,
 Сизга қалбдан ташнакур!
 Кўшган катта ҳиссангиз
 Едда қолар бир умр.
 Назира ҳам, Сайғат ҳам,
 Тойир, Зойир, Шўхрат ҳам,
 Ғайрат қилиб теришар,
 Чуниги ахдлар мустаҳкам!

Усмон ЖОНГИТОВ

Н. Медамел расмлари.

Редактор А. ИСМОИЛО

Б. 2410 ИНДЕКС — 6

Арабга етуклини аттестат
ёни маълумоти ҳақида ҳужжат
турар жойидан ва соғини тўғ
ридаги саврақлар (форма ба
лим юртидан олинди), тари
маи ҳоли, 4 донга фотосур
(34 см.), тутилганлиги тўғ
ридаги гувоҳнома ёни паспо
(ҳарбий билет ёни припис
гувоҳномаси ўзарида бўли
керак) қўшиб топширилади.

Мурожаат учун аدرس: То
кент шаҳар, Чилонзор массив
Д-17 қавар, 38 уй (103-ат)
бўс, 18-травмийнинг «17-ма
тал» бекати).

Бизнинг
ДАРС:

ктор — 336495, Редактор уринбос
етарь — 834808, Пропаганда, адаб

шаҳар хўжалиги бўлими — 8387
834048, Эълонлар бўлими — 8381

Я Комитети нашриётининг
Тошкент шаҳри

469 P — 03532